

Намоз ўқиётган одамнинг олдидан кесиб ўтмаслик



13:00 / 27.09.2020 5502

الاق ملسو وهىلع هللا ىلصّيبّ نللا نَع ، ءنَعُ هللا ىضّرْمُ هُج ىبّ اَنَع
نِيعَ بَرَأ فِقَى نَأ ناكل هَ يَلَع اءام ىلصّْمُ لاي دى نَب رَام لاملَعِ يَ وُل
نِيعَ بَرَأ لاق ىرْدَا ال ؛ رُضّ نللا وُبّ اَل اَق ، هَ يَدَى نَب رُمّ ى نَأ ن م هَل اَرِى خ
ءَسْمُ خ ل ه ا و ر ، ءَنَس وَا ا ر ه ش وَا ا م و ي

Абу Жуҳайм розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Агар намоз ўқувчининг олдидан ўтувчи ўзига қанчалик гуноҳ бўлишини билганида, албатта, унинг олдидан ўтишдан кўра қирққача тўхтаб турмоғи ўзи учун яхши бўлар эди», дедилар.

Абу Назр: «Қирқ кун, дедими ёки ой ёхуд йил, дедими, билмай қолдим», деди».

Бешовлари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Ривоятда исми келган Абу Назр ушбу ҳадисни ривоят қилувчилардан биридир. У киши ўзларига ушбу ҳадисни айтиб берган Буср ибн Саъийд раҳматуллоҳи алайҳ қирқ кун, дедиларми, қирқ ой ёки қирқ йил, дедиларми, билмай қолган эканлар. Абу Назр ана ўша омонатга хиёнат қилмай, қандай бўлса, шундай ҳолида ривоят қилмоқдалар. Бу ҳадиси шарифда намоз ўқувчининг олдидан ўтиш қанчалар қаттиқ гуноҳ эканлиги ҳақида сўз бормоқда. Агар ўша намоз ўқувчининг олдини кесиб ўтувчи ўзига бу ишидан қанчалар гуноҳ бўлишини билса, қирқ йилгача қимирламай кутар экан.

Демак, намоз ўқиётган одамнинг олдидан зинҳор кесиб ўтмаслигимиз зарур.

رُمِّيَ نَأْمُهُ لِرُؤْيَا حِمَامَةَ كُدْحِ أَفْقَى نَأْلِ؛ نَأْبِحُ نَبَاوِي دِمْرَتِ لَلْوِ
يَلْصِي وَهُوَ هِيَّحَ أَيَّ دِي نَبِي

Термизий ва Ибн Ҳиббонлар қилган ривоятда:

«Албатта, бирингизнинг юз йил тўхтаб турмоғи унинг учун намоз ўқиётган биродарининг олдидан ўтишидан кўра яхшидир», дейилган.

Шарҳ: Бу ривоят аввалги ривоятда айтилган муддат қирқ кун ёки ой эмас, қирқ йил эканлигини тасдиқлайди.

لَأَقْمَلَسُوهُ لَعَلَّ يَلْصِي لَبَّ لَلْوِ، هُوَ نَعُهُ لَلْوِ صَرِيحٌ دِي بَأْنَعِ
نَبِي زَاتِ حِي نَأْدَارَافِ سَأْنَلِ نَمُهُ رُتْسَيَّ عِي شِ لِي مُكْدَحِ أَيْ لَصِ إِذَا
عَثَالُ لَأَوْرُ نَأَطِي شِ وَهُ أَمَّنْ إِفْ هَلْ تَأْقِي لَفِ يَبَأْنِ إِفْ هُوَ فَدْيِ لَفِ هِي دِي

Абу Саъийд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Бирингиз ўзини одамлардан тўсиб турадиган нарсага қараб намоз ўқиса-ю, биров унинг олдини кесиб ўтмоқчи бўлса, бас, уни даф қилсин. Агар кўнмаса, уришсин. Ундай одам шайтондир», дедилар».

Учовлари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Абу Саъийд ал-Худрий розияллоҳу анҳунинг бу ҳадисларининг машҳурлиги бежиз эмас. Унга бир ҳодиса сабаб бўлган.

Бу ҳақида Имом Бухорий Абу Солиҳ ас-Саммондан қуйидагиларни ривоят қиладилар:

«Абу Саъийд ал-Худрий розияллоҳу анҳунинг жумъа куни ўзини одамлардан тўсадиган нарсага қараб намоз ўқиётганини кўрдим. Бас, Бани

Абу Муъайтлик бир йигит унинг олдидан ўтмоқчи бўлди. Абу Саъийд унинг кўкрагидан даф қилди. Йигит атрофга қараб, Абу Саъийднинг олдидан бошқа ўтадиган жой топа олмади-да, қайтадан яна ўтишга ҳаракат қилди. Бас, Абу Саъийд уни аввалгидан кўра қаттиқроқ даф қилди. Шунда йигит Абу Саъийдни уришди ва Марвоннинг олдига кириб, шикоят қилди. Абу Саъийд ҳам унинг ортидан Марвоннинг олдига кирди. Бас, у:
«Сен билан биродарингнинг ўғлига нима бўлди, эй Абу Саъийд?» деди. Шунда Абу Саъийд ал-Худрий розияллоҳу анҳу юқоридаги ҳадисни айтдилар.

Марвон Умавийларнинг бошлиқларидан бўлиб, Марвон ибн Ҳакам номи билан машҳурдир. У халифа Абдулмалик ибн Марвоннинг отасидир. Маълум вақт Мадинаи Мунавварага амир бўлиб турган. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам вафот этганларида у саккиз ёшда эди. Марвон ибн Ҳакам олтмиш уч ёшларида Дамашқ шаҳрида, 65-ҳижрий санада вафот этганлар.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Намоз ўқийдиган одам сутрага қараб намоз ўқиши кераклиги.
2. Намоз ўқиётган одамнинг олдидан ўтиш керак эмаслиги.
3. Намоз ўқиётган одам ўз олдидан ўтмоқчи бўлган кишини қайтариши зарурлиги. Қайтариш қўл билан бўлади.
4. Агар шунда ҳам қайтмаса, қаттиқроқ қайтариш зарурлиги.
5. Намоз ўқиётган одамнинг олдидан огоҳлантиришига ҳам қарамай, ўтишга ҳаракат қилган одамнинг шайтонга тенглиги.

Ушбу ҳадиси шарифга биноан, намоз ўқувчилар олдидан ўтмаслигимиз, ўзимиз намоз ўқиётган пайтимизда олдимиздан ўтмоқчи бўлганларни қайтармоғимиз лозим.

«Ҳадис ва Ҳаёт» китобидан